

---

## "Обод қишлоқ" штабида...

Риштон туманида 2021 йил "Обод қишлоқ" давлат дастури доирасида туманидаги Ёйилма МФЙ ҳудудида туман ҳокими бошчилигида "Обод қишлоқ" штаби аъзолари томонидан ушбу ҳудуддаги аҳоли вакиллари, жамоатчилик, туман Ободонлаштириш бошқармаси ходимларини жалб қилган ҳолда, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Кеча ушбу ҳудудда 1000 тупдан ортиқ дарахтларга шакл берилиб, оқлаш ишлари олиб борилди. Ташқи деворлари яроқсиз бўлган 4 та хонадоннинг деворларида бузиш ишлари олиб борилиб, бетон қуйишга тайёрланмоқда. Ҳозирда ушбу МФЙда ободонлаштириш кўкаламзорлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

2021-04-30 05:25:45